

# ДРАББЛАР

[ДУНЁНИНГ  
ЭНГ КИЧИК  
ҲИКОЯЛАРИ]

„O‘QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ – 2018

## СЎЗБОШИ

Драббл (*инглизча drabble* — парча, бўлак) — ҳикоянинг ўзига хос кичик жанри. Унда, асосан, бирор воқеанинг қисқача тарихи берилади. Драббл-ни кутилмаган ечим билан якун топувчи энг қисқа ва тугал ҳикоя дейиш мумкин. Эҳтимол, бунга Чеховнинг жимитдеккина ҳикоялари ёки Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи бир бетлиг-у, аммо олам-олам маъно-мазмунга эга ҳикояларини ҳам мисол қилсак бўлар. Бироқ 1980 йилда Буюк Британияда драббл деб номланган ҳикоянависликнинг янги жанри вужудга келди ва бундай кичик асар бор-йўғи 100 сўздан иборат бўлиб, тугалланган ғоя ва ўзига хос шаклга эга бўлиши лозим деган талаб ёзувчилар олдига қўйилди. Драббл ўз ватани Бирмингем университетида ғаройиб сўз ўйини сифатида қабул қилинди. Кейин Европанинг кўпгина мамлакатлари ёзувчилари бу борада ўзларини синаб кўришди. 1987 йилда эса Стив Мосс «New Time» журнали орқали танлов ўтказиб, иштирокчилар олдига 55 сўздан иборат тугал ҳикоя ёзиш вазифасини қўйди. Буни қарангки, ёзувчилар бунинг ҳам уддасидан чиқишди. Хуллас, драббл деган янги жанр вужудга келди ва у кўпчиликни қизиқтириб қўйди. Биз эса драббллар ва ушбу жанр талабига жавоб беради деб топган ҳикояларимизни тўплаб, Сизга тортиқ этишга қарор қилдик.

Қароримиз Сизни қувонтиришига ишонамиз!

Айрис Александра

## ТУШ

— Мен чўкяпман!

— Хавотир олма, жонгинам, сен хавфсиз жойда-сан.

— Ҳозир жарликка қулаб кетсам керак!

— Бундай бўлишига асло йўл қўймайман!

У шундай дея қўлимдан маҳкам тутди. Мен унинг нафасини, бақувват қўлларининг тафтини ҳис қилдим. Уйғонганимда эса бари тушлигини англадим. Бағримга босганим эса у совға қилган ягона ёдгорлик — пахмоқ айиқча экан...

Алан Майер

## ОМАДСИЗ

Мен бутун танамда кучли оғриқ билан уйғондим. Кўзимни очганимда каравотим ёнида ҳамшира турарди.

— Мистер Фужима, — деди у, — омадингиз бор экан, сиз икки кун аввал Хиросимага ташланган атом бомбасидан омон қолдингиз. Энди госпиталдасиз, хавотирланишингизга асос йўқ.

Мен зўрға савол бердим:

— Қаердаман?

— Нагасакида, — деди ҳамшира.

## СИНФДОШЛАР

Мактабда улар ажралмас дугона эдилар.

— Менга қўнғироқ қилиб тур, эсингдан чиқарма! — деди бири хайрлашув кечасида.

— Албатта, сен ҳам, — жавоб берди иккинчиси ҳам.

Беш йилдан сўнг синфдошлар йиғинида қил ўтмас икки дугона ўша хайрлашув базмидан сўнг биринчи марта юзма-юз бўлишди.

— Сени кўриб турганимдан хурсандман.

— Мен ҳам.

Йиғин тугади. Икки дугона тағин қучоқлашиб хайрлашди.

— Менга қўнғироқ қилиб тур. Унутма!

— Албатта, сен ҳам.

*Алан Робертс*

## БЕНУҚСОН МАНТИҚ

Йигит: «Қиз билади» деб ўйлади. Қиз эса: «Йигит билмайди» деб ўйлади.

Қиз: «Ҳаракатларимдан мени тушунади» деб ўйлади. У ҳам қизнинг ўзи билиб олишини истади.

Улар шаҳардаги кафедра учрашишга келишиб олишди.

Йигит қиз қачон келиш вақтини билади, деб ишонди.

Қиз эса қаерда учрашишларини йигит ички сезгиси билан сезади, деб ишонди.

Улар учрашмадилар.

Иккиси ҳам тақдирим эмас экан, деб хулоса чиқаришди...

## ТОМЧИ СУВ

Ўрмон ёнарди. Чумчуқ оғзига сув олиб, ўрмон томон учар ва тағин дарёга қайтарди. Ўрмоннинг ёнишини иложсиз кузатиб турган ҳайвонлардан бири кулиб бақирди:

— Ҳей, ўрмонни бир томчи сув билан қутқарсанми?

Чумчуқ жавоб берди:

— Нима қилай, қўлимдан келадигани шу-да!

*Александр Неверов*

## МУҲАББАТ

Баҳор келиши билан оқ, сариқ, қизил ва бинафшаранг гуллар очилди. Улар узра ёш ва қувноқ капалаклар учиб юрар, биридан иккинчисига қўниб, қисқа ҳаётнинг гўзаллигидан завқланарди. Бир куни жозибали капалак бўтакўзга қўнди ва гул унга ошиқи беқарор бўлиб қолди.

— Азизим, учиб кетма, илтимос! — деди ёлбориб бўтакўз.

— Қўйвор, — деди капалак, — анави наъматакка қўнгим келяпти.

— Йўқ, меникисан, умримнинг охиригача сени севаман!

Бўтакўзнинг муҳаббати бағоят кучли эди. Капалак эса гулга ҳижрон азоби озор етказмасин учун

учиб кетмади. Бироқ кўп ўтмай ўзи зерикшдан вафот этди.

## ҚАРҒА

Тангри чумолидан сўрабди:

— Ҳаётингдан мамнунмисан?

— Ўзингга шукур! Ўтаётган кунимдан қониқаман, — дебди чумоли.

— Майли, бора қол, — дебди Тангри камтарин чумолига мамнун боқиб.

— Мен эса норозиман, — дебди бу суҳбатни эшитиб турган қарға. — Мен бургут бўлишни истайман!

Бироқ, буни қарангки, бургут ҳаётининг қийинлигидан нолибди. Қарға унга ҳам яшаш учун курашиш осон эмаслигини эшитиб, бу фикридан қайтибди.

— Бургут бўлишни хоҳламайман! Ундан кўра майна бўлсам, ёмон бўлмасди.

Майна унинг мурожаатини эшитиб, қулиб юборибди:

— Э-э, ҳаётининг қадрини билмаган қарға, сени фақатгина мушук қувлайди, холос. Мени эса минг бир ғаним ўз ўлжасига айлантиришга уринади. Тирик қолиш учун ҳар дақиқа курашишга тўғри келади.

Майнанинг гапларини эшитган қарғанинг юрагини баттар ваҳима босибди ва ана шундай қилиб, қарға қарғалигича қолибди. Унда ҳатто бир мартагина ҳаракат қилиб кўришга ҳам жасорат топилмабди.

## ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН ҚЎНҒИЗ

Кун яримлаб қолганди. Хонамга қўнғиз кирди. Ҳавода бир неча марта айланди. Қўнарга жой қидирарди, чамамда. Уйнинг тўрт тарафи девор, ёруғлик оз бўлгани учун қўнғиз ортига ўгирилди. Кайфияти тушиб кетди. Деворлар орасида чиқиш жойини узоқ излади. Дераза очиқ, бироқ ёруғлик кўзларини хиралаштириб қўйган қўнғиз йўлини йўқотиб, юқоридаги дераза ойнасига боши билан урилди. Бор кучини тўплаб, дераза ойнасига ялтироқ қанотлари билан шапатилади. У ҳолдан тойиб, токчага қўнди. Қуёш нур сочиб, йўлини ёритиб турибди, аммо у жуда хафа.

Унинг ҳаракатларини кузатиб туриб ўйлардим: «Телба қўнғиз, озгина пастлаб учса, эркинликка чиқади-ку».

Қуёш нури унинг кўзини қамаштириб, кўр қилиб қўйганга ўхшарди. Кураш узоқ давом этди. Қуёш озгина пастлаб, қўнғизни масхаралаётгандек туюлар, қўнғиз эса тобора кучсизланарди. Раҳмим келиб, ҳашаротнинг қанотидан олиб, ташқарига отдим. Ерга қулаб тушган қўнғиз бир муддат худди жонсиздай қимирламади, лекин бирор дақиқа ўтар-ўтмас олма дарахтидан ҳам юқорироқ учди. Эркинликнинг нималигини ҳис қилган қўнғиз атрофидаги пашшаларга қараб чексиз қувонч билан қичқирди:

— О-о-з-о-о-д-л-и-и-к!

Агар сени юз кишидан тўқсон нафари мақтаса, ундай даврадан қоч. Агар юз киши ҳам: «Тасанно!» деб олқишласа, шеър ёзишни ташла-ю, этик-дўзга шогирд туш. Борди-ю, ўша юз киши жаҳли чиқиб: «Жинни! Телба хаёлпараст!» деб таънаю маломат қилса, хафа бўлмасдан, уларга қараб жилмай. Сабаби, улардан кейин яна камида юз киши ёзганларингни астойдил ўқиб кўради.

### ШАМОЛ ВА ГУЛ

Шамол чиройли гулни учратиб, севиб қолди. У гулни эркаласа, гул унга гоҳ рангини ўзгартириш, гоҳ хушбўй ифор таратиш орқали чексиз муҳаббатини изҳор айлади. Шамолга бу оздек туюлди ва у: «Агар гулга бор кучимни кўрсатсам, у мени янада қаттиқроқ севади», деган қарорга келди. Бироқ гул бу кучли муҳаббатнинг довулига дош беролмай синиб қолди. Шамол уни қайта жонлантиришга интилди, бироқ уринишлари бесамар кетди. Шундан сўнг шамол тинчиб қолди. У меҳр билан секингина севгилисининг синган танасини силаган экан, у яна кўз ўнгида қайта бўй чўзди. Шунда шамол:

— Сени бор ғайратим билан севдим. Муҳаббатим тўфонини кўтаролмай, синиб қолдинг. Демак, мени чин дилдан севмас экансан-да. Наҳотки, севишга ўзингда куч тополмаган бўлсанг? — дебди.

Шамолнинг ўринсиз таъналарига жавобан гул ҳеч нарса демади. Кўп ўтмай, у қуриб қолди.

Чин дилдан севадиган одам муҳаббат ҳеч қачон куч билан тенглаштирилмаслигини, балки икки

севишган қалб ўртасидаги муносабатлар меҳр ва ишонч устига қурилсагина, мустаҳкам бўлишини англаши керак.

Аннет Амир

## ҲАЁТ МОҲИЯТИ

Икки биродар тортишиб қолди. Бири — бойлиги беҳисоб давлатманд, иккинчиси билим доираси кенг донишманд эди.

— Агар 15 йил узлатда ўтирсанг, бор мол-давлатим сеники! — дебди тадбиркор.

Баҳс бойлаган доно йигит севган қизига: «Мени 15 йил кут, мен, албатта, қайтаман ва биз яна бирга бўламиз», деб хат ёзди-да, ўзи узлатга чекинди.

Одамлардан нари жойда бир йил яшади. У кимсасиз, хилват гўшада бекорчиликдан зерика бошлади, лекин ютқазиб қўйишдан қўрқиб, сабрдан либос кийишга аҳд қилди. Давлатманд биродарининг жонига қасд қилиш истагида одам ёллаб, шароб юборди. У шаробни ичишдан бош тортди. Бу ҳодиса тез-тез такрорланаверди, лекин йигит енгилмасдан сабр қилди. Кунлардан бир кун у ўзига ўзи савол берди: «Мен кимман? Нима учун яшайман? Нима учун дунёга келдим?» Бу саволларга жавоб топиш учун бойнинг уни назорат қилиш учун ёллаган хизматкорини чақирди:

— Менга фалсафага доир китобларни олиб келинг! — деб буюрди.

Хуллас, ўша кундан бошлаб у китоблардан уч саволига жавоб излади. 15 йил сувдай оқиб кетди.

Бор давлатидан айрилиб қолишдан қўрққан бойнинг ичини ит тирнарди. «Мен нима қилиб қўйдим? Шунча йил йиққан-терганимдан ажраламанми энди? Бу бойликнинг ўзи шунча бўлгани йўқ. Озмунча соғлиғимни йўқотдимми? Она сутим оғзимга келиб, топган давлатимни бировга қўшқўлаб топшириб қўядиган аҳмоқ йўқ!» У туну кун шу ҳақда ўйлаб, ўйига етолмасди. Уйқусини йўқотган давлатманд, ахийри, бир қарорга келди. У ўз қўллари билан биродарини нариги дунёга равона қилади. Бой белгиланган муддатдан бир соат аввал дўсти 15 йил ўзига маскан тутган ўша ғорга кириб келди. Атрофда китоблар қалашиб ётар, уларнинг устида эса ўзига аталган икки энлик хат бор эди ва унда шундай сўзлар битилганди:

*«Биламан, мени ўлдиргани келдинг. Ўлимдан қўрққаним учун эмас, балки жондан азиз биродаримнинг бу оғир гуноҳга ботишига йўл қўймаслик ниятида ғорни тарк этдим. Азиз дўстим, сенга айтар гапим шуки, ҳаёт мазмунини фақат бойлик орттириш, деб ўйласанг, янглишасан! Аллоҳ ато этган бу неъматнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билиб, яхши ном қолдириш, китоб ўқиб, билим эгаллаш, меҳр-оқибатни улашишга сарфлаш керак экан. Шундагина чин бой-бадавлат, бахтли-тахтли одам бўларкансан. Ўзи тўймаганнинг сарқити ҳаром! Топган давлатинг ўзингга буюрсин! 15 йил бардошимни синадим. Ўқиб, изланиб, шуни англадимки, ҳаёт ҳақидаги тушунчам жўн экан, лекин, энг асосийси, мен узлатда унинг моҳиятини англаб етдим. Шундай экан, ҳаётим энди бошланди ва бошим осмонда!»*

## ОДАМГАРЧИЛИК

— Илтимос қиламан, ота, — деди полициячи маросимга ошиқаётган руҳонийнинг йўлини тўсиб.

— Лекин, бўтам, бундай қилолмайман!

— Мен уни чўқинтиринг демаяпман, қолаверса, бу маросимга унинг вақтиям йўқ. Юрагида айтадиган гапи борга ўхшайди, ота, бечора жон узолмай қийналяпти. Овозингизни эшитса, ҳарна мушуқли осонлашармиди?

— Ахир у насроний эмас, мусулмон!

— Бўлса бордир? Бироқ бунинг нима фарқи бор? Қаранг, у ҳам ўз тилида Унинг номини тилга оляпти! Ҳамма ҳам бир одам, ота. Яратганга мусулмон бўлди нимаю насроний бўлди нима?

— Шундайликка шундай-ку-я, бироқ дин буни тақозо этмайди.

— Дин нимани тақозо этади билмадим-у, бироқ одамгарчилик ҳар қандай дин қоидаларидан устунроқ...

Антон Чехов

## КЕКСАЛИК

Давлат маслаҳатчиси меъмор Узелков киндик қони тўкилган қадрдон шахрига қайтди. Уни ибодатхонани қайта таъмирлаш учун чақиришганди. Бу шаҳарда у туғилди, ўқиди, улғайди ва уйланди,

аммо поезддан тушганида она шахрини танимади. Барчаси ўзгарибди, ўн саккиз йил олдин, яъни у Петербургга кўчиб кетишидан илгари ҳозир оёқ босиб турган жойида балиқ овларди. Бугун эса вокзал бунёд бўлибди. Рўпарасида турган тўрт қаватли бино ўрнида бир вақтлар сариқ девор бор эди. Аммо ҳеч нарса одамлар каби ўзгармаган. Меҳмонхона хизматчисидан у танишларининг қарийб ярми вафот этганини, камбағаллашиб, унутилиб кетганини билиб олди.

— Узелковни эслайсанми? — сўради қария. — Меъмор Узелков. У Свиребеевский кўчасида турарди. Хотини билан ажрашган меъмор-чи, эслайсанми?

— Йўқ эслолмайман.

— Қандай унутиш мумкин! Шов-шувли воқеа бўлганди. Хотини билан ажрашишига Шапкин сабабчи эди. Қаллоб! Машҳур қиморбоз! Уни клубда фирромлик қилгани учун қўлга олишган.

— Иван Николаевичми?

— Ҳа-ҳа, худди ўзи. У тирикми?

— Худога шукр, ҳаёт. Уларнинг ҳозир нотариал идораси бор. Ғиштли уйлардаги қўш хонадон ўшаларга тегишли.

Узелков хонада тинмай юриб чиқди. Ўйлаб-ўйлаб, ахийри, Шапкин билан учрашишга қарор қилди.

Узелков астагина бошидан шляпасини ечди. Шапкин ҳам бош кийимини қўлига олди. Атрофда ўлик сукунат ҳукмрон эди. Ҳатто ҳаво ҳам йўқдай туюларди. Улар жимгина ўз ўтмишлари ҳақида ўйлашарди.

— Ётибди, — деди сукунатни бузиб Шапкин. — Ғами ҳам йўқ... Тан олинг, Борис Петрович.

— Нимани? — дея тўнғиллади Узелков.

— Ўтмишимиз қора бўлганини, аммо у бундан яхшироқ эди... — деб ўзининг оппоқ сочларига ишора қилди.

— Ҳа, биз ўлим ҳақида ўйламасдик ҳам, ҳатто. Ўлим билан учрашиш баъзан менга жуда ҳам яқиндек туюлади... Аслидаям шундай.

Узелков ғамга чўмди. У, бир вақтлар телбаларча севишни хоҳлагани каби, бирдан ўкириб йиғлашни истади. Кўзларидан оқаётган ёшнинг тозалигини ҳис қилди. Унинг кўзлари равшанлашди. Бироқ Узелков Шапкиннинг ёнида кўнглини бўшатишга истиҳола қилди. У ибодатхона томонга қайрилди ва чаққон қадамлар билан ўша томонга юрди. Икки соатлардан сўнг Шапкин роҳиб билан суҳбатлашиб турган вақтда Узелков билдирмай, йиғлагани бояги жойга қайтди. У қабр тошига чор атрофга ўғринча назар ташлаб, аста яқинлашди. Кичкинагина қабр тошида ўйиб ишланган чехра унга ўйланиб, ғамгин боқарди. У шундай бегуноҳ кўринардикки, худди мана шу қабр остида хиёнаткор аёл эмас, балки беғубор қизалоқ ётгандай таассурот уйғотарди.

— Йиғлаш керак, йиғлаш! — дея ўйланди Узелков.

Аммо вақт ўтиб кетганди. Қария қанчалик уринмасин, бўғзига алам тиқилмади. Кўз ёшлари ҳам келмади. Ўн дақиқага яқин Узелков шундай қаққайиб тураверди. Бироқ ҳеч қандай натижа чиқмагач:

— Эҳ! — дея қўлини силкиди-да, Шапкинни излаб кетди.

## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

У узоқ вақтгача тутқич бермади. Жуда узоқ. Қизнинг хаёлида газеталарда чоп этиладиган «Танишув» руқни майнабозчиликлардан ўзга нарса эмасди. Бироқ у жудаям ёлғиз бўлгани учун умид қилаётганди, эҳтимол, тўсатдан...

Ниҳоят, у газетага эълон берди. Эртасиёқ жавоб хатлари ёғилиб кела бошлади. Мана, ҳозир у ресторанда ўтириб, кўнглига энг маъқул мактубнинг эгасини кутяпти.

«Дада, бу сизми?»

## БАДБАШАРА

— Менга турмушга чиқинг, — деди бир қучоқ гулларни кўтарган кўримсизгина бир йигит коллеж маликаси Линдага яқинлашиб.

Қоматига кул, ғурури осмон қиз эса камсуқум йигитга қиё ҳам боқмай, ёнидан бепарво ўтиб кетди. Қирмизи атиргулларнинг бўйи эгилди.

— Скотт яхши йигит, эсингни йиғ, Линда, текканингга яраша, шундай илмли йигитга тексанг, яхши бўлади! — деди Сара дугонасини инсофга чақириб.

— Ким, менми? Шунга-я?! Келиб-келиб шу бадбашарага тегаманми?! «Туя ҳаммомни орзу қилибди». Шунчалик яхши экан, ўзинг тегиб қўя қол.

— Бу гапингга ҳали афсусланасан!

Линда ўзи истагандай хушбичим йигитга турмушга чиқди. Қачон қарама, чиройли қизлар дав-



## ГУЛ ҚИЗ

Ёш йигит ҳар куни ишга жўнарган, йўли ёнидаги гулларга тўла боққа маҳдиё бўлмасдан ўтолмасди. Ҳар тонг бу ранг-баранг гуллар вужудини завқу шавққа тўлдирадди. Гулларга тикилган кўзлари боғдаги уйга кўчди. Чунки сўнгги пайтларда у уйдаги парда ортида бир ёш қизнинг соясини кўрадди. Ҳар ўтганда гулларга ва деразадан бир кўриниш бериб, ғойиб бўладиган малакка боқмасдан ўтолмасди. Бир куни у ҳар доимгидан эртароқ йўлга чиқди. Боғ ёнига келганда юрагининг титраганини, вужудининг сесканганини ҳис этди. Ҳар кун парда ортида кўринган қиз, боғдаги гулларни суғорарди. Гўзал қиз йигитни кўрди-ю, юзи қизариб, ўзини ичкарига урди. Йигит нигоҳини гулга тикканча туриб қолди. Гўзаллик қаршисида сеҳрланганди. Йигит энди ҳар куни уйдан эрта чиқар, ўша қизни такрор кўрмоқ умиди билан одимларди. Фақат парда ортидаги соядан бўлагини кўролмаганига аччиғи чиқарди. Қиз ҳам ҳар саҳарда ҳаяжон билан парда ортида йигитнинг келишини пойларди.

\* \* \*

Бир куни ёш йигит боғ ёнидан ўтмади. Қиз кун бўйи уни кутди. Эртасига, индинига ҳам кутди, йигит келмади. Қизнинг юраги аламдан тўлди.

\* \* \*

Бир куни умидсиз нигоҳлар билан йўлга боқиб турганда бир тўда одамларнинг елкаларида тобут

билан ўтаётганларига кўзи тушди. Хаёлига келган даҳшатли фикрдан бутун вужуди сесканди, юраги сиқилди. Наҳот йигит вафот этган бўлса? Қиз йигитни кутиш одатини канда қилмади. Юзи ҳам суғорилмаган гуллари каби сўлиб борарди.

\*\*\*

Йигит бир куни боғ ёнидан ўтди. У шифохонадан чиққани ҳамон боғ ёнида пайдо бўлди. Аммо боғ ёнига умид билан келган йигит ранжиди. Чунки боғдаги гуллар сўлган эди, деразанинг қора пардалари зич ёпилганди. Йигит йўлда ўйнаётган болалардан сўради:

— Бу уйда бирор кимса яшайдими?

Бир бола:

— Қари хотин туради, — деди.

Йигит негадир ҳовлиқиб, кейинги саволни берди:

— Бу ерда яшаган қиз-чи? Унга нима бўлди?

Болалардан бири:

— У ўлди! — деди.

Йигитнинг ёшланган кўзларини кўрмасдан бошқа бола ҳам бидиллади:

— Касал эди, кеча ўлди!

\*\*\*

Йиллар ўтди, кичкина болакай ҳаяжон билан онаси ва дадасининг ёнига келди, гуллар орасида, тебранма курсида ўтирган кекса одамни кўрсатиб ҳаяжондан ҳайқирди:

— Қаранг, бобом куляптилар, дада!

Ўғли қариянинг ёнига келиб, кулгиси асло кўриниш бермаган юзига боқди. Қўлида гул тут-

ган кекса одам чехрасида ҳақиқатданам табассум ёйилганди. Адоқсиз ғамнинг ариганига суюнган, ниҳоят ошиқ ўз маъшуқасининг висолига эришиш бахтига муяссар бўлганда туядиган бахтдан масрурлик бахти нишонаси эди бу... Негадир ошиқнинг кўзлари юмилмаганди...

## ЭНДИ ҲАММАМИЗ БИРГА ЯШАЙМИЗ

Боланинг йиғиси авжига чиқиб борарди. Онанинг сабри тугади.

— Қўясанми, йўқми кир ювишга. Бугун ювмасам эртага нима киясан?

Гўдак қасдма-қасд янаям шиддатлироқ, бор овозда додлар, айниқса, онасининг эшикни очиши уни жазавага соларди.

Ахири, она унга эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Боласи томонга қарамай юмушини давом эттирар, чаққонроқ ҳаракат қилар, дам-бадам эшикдан чиқиб, кирларни дорга иларди. Кирина тугатай деганда, ҳали ёшини тўлдирмаган гўдаги йиғидан бўғилиб қолай деди.

— Бўлди тугатдим, болам, йиғлама. Қара, кўкариб кетибсан. Сени ташлаб қаерга ҳам кетаман, тойчоғим...

Болажон қўлларини чўзиб, ўзини онасига отди. Меҳр билан тиззасига бошини қўйди. Она кўнгли ийиди ва кўкракларига сут келганини ҳис этди. Гўдагини қучоғига олиб эмиза бошлади. Уйда гўдакнинг култ-култ қилиб ютинганидан бўлак сас-садо эшитилмасди. Она боласини эркалаб, пешонасидан ўпар, бошларини силаб, бағрига маҳкамроқ босишга уринарди. Эмиб нафси қонган бо-

ланинг юзига табассум югура бошлади. Яна ўйинчоқлари томон интилди. Дам-бадам атрофга қараб қўяр, онаси ёнидалигини билиб, яна ўйинчоққа овора бўларди. Она боласининг ҳаракатларини кузатар, кузатган сари бу машғулотдан завқ оларди. Боласи кўзларини қашиб эснай бошлади. Она уни ухлатиш учун кўзғалди. Уни белаб, алла айтди. Кўзларини юмганча, пиш-пиш қилиб ухлаётган боласига қараб-қараб тўймади. Унинг қиёфасида кимни кўраётгани, кимни соғинаётганини билмади. Бу митти чехрадан ниманидир изларди ва тушунди: у бу чехрада жуда соғинган кишисини сўроқлаётган эди. Эрталаб тез боласини кийинтирди, кейин ўзи кийиниб йўлга чиқди. Маҳалланинг аёллари дўкон қаршисида суҳбат қуриб ўтиришарди. Жувон уларнинг ёнидан тез-тез одимлаб, ўтиб кетди:

— Ёш қолди-да бечора, — деди биттаси.

Буни эшитган жувоннинг кўзларида ёш айланди... Бироқ йиғламади. Боласига қаради, унинг пешонасидан яна ўпди. Бола таниш эшикни кўриши билан йиғини бошлади. Ҳар кун шу ерда онасиз қолишини у ҳам биларди. Боласининг йиғисини эшитиб юраги сиқилди. Тезда боласини энага аёлнинг қўлига топширди. Бола бор овозда додлай бошлади. Эшикни ёпиб, манзил томон одимлади, қулоқлари остида боласининг овози жарангларди. Мусиқа янгради. Қараса, қўл телефони, бегона рақам...

— Элчихонадан гапиряпмиз. Эрингиз топилди. Ҳозир аҳволи яхши, фақат бироз ўзга давлатда қийналган. Ишда тухмат қилишиб, ноқонуний равишда қамоқда сақлашган. Биринчи ёрдамни кўр-

сатдик. Кўнглингизни тўқ қилинг, тез орада ёнингизга қайтади.

Жувон йўлда қотиб қолди. Ортга қайтди. Ўзига келганда энаганинг эшиги қаршисида эди. Боласи онасининг бунча тез қайтганига анграйиб қараб қолди, кейин унга отилди. Боласини опичлаб, уйи томон чопди. Йўлда боласининг қулоқларига шивирлади:

— Энди сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, энди ҳаммамиз бирга яшаймиз...

## ОЛМА ДАРАХТИ ВА БОЛАКАЙ

Бир болакайнинг ўзи кўрган ва атрофида ҳар кун ўйнайдиган катта олма дарахти бўлган экан. Бола дарахт тепасига тирмашар, олмаларни узиб ер ва дарахт соясида дам оларди. У дарахтни севар, дарахт ҳам кичкина бола билан вақт ўтказишдан жуда ҳузурланарди.

Кунлар, ойлар, сўнг йиллар бир-бирини қувиб ўтди. Болакай ҳам улғайди. Энди ҳар кун дарахт ёнига ўйнаш учун бормасди. Бир куни у қадрдон дўсти олдидан ўтаётганда, олма:

— Қани кел, атрофимда ўйнай қол, — деди.

— Энди ёш бола эмасман, — дея жавоб берди у ва қўшиб қўйди: — Менга ўзи юрадиган ўйинчоқ керак, бироқ бунга пулим йўқ.

— Афсус, менинг ҳам пулим йўқ, — деди дарахт. — Бироқ олмаларимни олиб уларни сотишинг мумкин. Кейин ўйинчоққа керак пулни топасан.

Болакай ҳаяжонланиб, бу таклифни қабул қилди ва олмаларни битта-битта териб олди. Дарахт унинг иши битиб, индамай кетганидан хафа бўлди.

Олма унинг азамат йигитга айланганини кўриб, ич-ичига сиғмай суюнди.

— Қани кел, атрофимда ўйнагин! — деб ҳайқирди.

— Ўйин ўйнаш ёшидан ўтдим, бунга ортиқча вақтим йўқ, — деди навқирон йигит — Тирикчилик, оилам учун ишлаш керак. Мен уй қурмоқчиман. Ёрдам беролмайсанми?

— Уйим йўқ-да, — деди дарахт маъюс тортиб. — Бироқ хоҳласанг, шохларимни кесиб олиб, бир уй қуришинг мумкин.

Ёш йигит пайсалга солмай дарахтининг барча шохларини кесиб олди ва мамнун бўлиб, эски дўстини ташлаб кетди. Дарахт тагин ёлғизланиб қолди.

Иссиқ ёз кунларининг бирида йигит дарахт ёнига келди.

— Қани кел, атрофимда ўйнай қол, — деди қувонч билан.

— Энди кексайдим, — дея жавоб берди эски ошна. — Денгизга чиқиб роҳатланишни хоҳлайман. Менга қайиқ керак.

— Қайиқ яшаш учун танамдан фойдалансанг бўлади, — деди дарахт. — Шунда денгизга чиқиб ҳузурланасан.

Қария дарахт танасини кесди ва қайиқ ясаб, денгизга чиқди. Узоқ муддат кўринмай кетди ва йиллар ўтиб, яна қайтди.

— Айбга буюрма, болам, — деди дарахт. — Энди сенга берадиган бирор нима қолмади, меваларим ҳам йўқ.

— Ҳеч нарса сўраб келмадим, — деди одам — олмаларингни ейиш учун менда тиш қолмади.

— Сен тирмашиб чиқадиган шохларим ҳам йўқ.

— Тирмашиб чиқишга энди ярамайман!

— Чиндан ҳам, сенга берадиган ҳеч нарсам қолмабди, — деди дарахт, — фақат чириган хазонлар қолди.

— Мен шунчаки ўтириб дам олишни хоҳлайман. Ўтган йиллар мени ёмон толиқтирди.

— Майли. Кел, ўтир ва ором ол.

Чол тупроқ устига чўккалади, дарахтнинг кичкина танасига суянди. Дўсти бўлса ғоят бахтиёр эди.

Аслида, бу барчамизнинг ҳикоямиздир. Дарахт худди оилага ўхшайди. Болаликда ота-онамиз билан ўйнашни, вақт ўтказишни истаймиз. Улғайгач, уларни тарк этишни бошлаймиз. Нимадир керак бўлса яна ортга қайтамиз. Нима қилганда ҳам оиламиз доим ёнимизда эканлигини ҳис қилиб яшаймиз ва улар бизни бахтиёр этиш учун ҳар нарсага қодир.

## ҲАҚИҚИЙ ҒОЛИБ

Бир қирол халқи учун йўл қуришга қарор қилди. Халққа йўлни кўрсатишдан олдин хотирада қоладиган мусобақа уюштиришни истади. Йўлни муносиб тарзда босиб ўтган одам мукофотланарди. Пойгада ғолиб бўлишни хоҳлайдиган тумонат одам йиғилди. Ўша куни йўлни босиб ўтган одамлар қиролга бир нарсадан шикоят қилдилар, яъни йўлнинг бир бурчагида каттагина тош ва тупроқ уюми ҳаракатланишга ноқулайлик туғдирганмиш. Кун ниҳоясида ёлғиз бир йўловчи марра чизигига ҳориб-чарчаб етиб келди. Усти-боши лой, тупроққа

беланганди, аммо қиролга бебаҳо совға билан юзланди: у олтинга тўла кўза узатди.

— Йўлда тош ва тупроқ уюмига дуч келдим. Одамларга қулай бўлсин, деб ўша тўсиқларни олишга уриндим. Тош ичидан олтинга тўла шу кўза чиқди. Олтинларни сизга олиб келдим.

Қирол кулиб жавоб берди:

— Бу олтинлар сеники!

— Йўқ, меники эмас. Менинг ҳеч қачон бунча кўп бойлигим бўлмаган.

— Ҳа, — дебди қирол. — Бу олтинларга сен эга чиқдинг, мусобақа ғолиби сенсан! Ўз йўлини муносиб босиб ўтган киши сенсан! Йўлни тўсиқ-ғовдан бартараф этган киши ҳақиқий ғолиб!

## ҲАРАКАТ, ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ, САМАРА БЕРАДИ

Бир куни тунда ибодатхона жойлашган вилоятда қор қалин ёғди. Эрталаб ўқувчилар белгача келадиган қорли йўлни босиб ўтиб, медитациялар учун мўлжалланган залга йиғилдилар.

Ўқитувчи ўқувчиларини тўплаб сўради:

— Айтинг-чи, биз ҳозир нима қилишимиз керак?

Биринчи ўқувчи деди:

— Ҳаво исишини сўраб, дуо қилиш зарур.

Иккинчи ўқувчи:

— Ўз уйимизга бориб кутиб туришимиз керак, қор эса ёғишда давом этаверсин.

Учинчи ўқувчи мана шундай фикр юритди:

— Ҳақиқатга эришган одамга қор борми-йўқми фарқи йўқ.

Устоз эса шундай деди:

— Ана энди менга кулоқ солинг.

Ўқувчилар буюк донишманд сўзларига диққат билан кулоқ тутдилар.

Ўқитувчи уларга назар ташлаб, хўрсинди ва деди:

— Белкуракни олиб — олға!

Ба Цзинь

## БАХТЛИ ЯШАШ СИРИ

Чиннинг сулув қизи Ли-Ли суйганига турмушга чиқди. У бахтли эди, бироқ ширин ҳаётига қари, инжиқ қайнонаси заҳар томизиб турарди. Қайнона-келиннинг адоқсиз жанжалларидан тўйган эркак уйга келмайдиган одат чиқарди. Ўз оиласини сақлаб қолишни истаган келинчак табиб ҳузурига борди ва дардини тўкиб солди. Нуроний унга кукунга ўхшаш бир дори тутқазди.

— Бу аста-секинлик билан таъсир қиладиган заҳар, — деди кекса табиб, — уни уч ой давомида ҳар кун оз-оздан қайнонангнинг таомига қўшиб берасан! Қайнонангнинг ўлимида сендан гумонсирамасликлари учун унга энг сара таомларни тайёрлаб, яхши муомалада бўл!

Ли-Ли чолнинг айтганига амал қилди. «Яхши гап билан илон инидан чиқади» деганларидай, келиннинг мулойим муносабати қайнонани тамомила ўзгартирди. Улар онаю қизга айланди. Ёш келин ўзини оғир юк босаётгандай ҳис қилиб, қилмишидан пушаймон бўлди ва чолнинг ҳузурига келди.